
Шифокорларимиздан навбатдаги ғалаба: яна 8 нафар бемор коронавирус касаллигидан фориғ бўлди.

Юртимизда коронавирус инфекциясига чалинган фуқаролар орасида буткул соғайганлар сони яна 8 нафарга кўпайди. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлиги [хабар қилди](#).

Тузалганлар Вирусология илмий-текшириш институти клиникасидан Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов ва бошқа масъуллар иштирокида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказига кузатилди.

Шундай қилиб, айти пайтда коронавирус инфекциясига чалинган бемордан 38 нафари буткул соғайганини мамнуниям билан айтишимиз мумкин. Тузалганларнинг кун сайин кўпайиб бораётганида эса, авваламбор, шу соҳада фаолият олиб бораётган фидокор тиббиёт ходимларининг улкан ҳиссаси мужассам. Шифокорлар беморларни даволашда дунё тажрибаси, хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Япония каби қатор мамлакатларнинг энг нуфузли мутахассислари тавсияларидан фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, Президентимиз топшириғига кўра, ҳар бир беморга икки нафардан шу соҳада кўзга кўринган тажрибали мутахассислар жалб қилиниб, стандартлар бўйича даволаш чоралари кўрилмоқда.

Фото: Соғлиқни сақлаш вазирлиги

2020-04-09 18:05:40